

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди, 2024 йил 26 сентябрь куни, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья Ж.Хожаев,

Судья ёрдамчиси Н.Хамраеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстонлик тумани прокурорининг ёрдамчиси Р.Миралиев, судланувчини ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “Nigora Mirsaitovna” адвокатлик бюроси адвокати Н.Тойчиева иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган Н.Исмоиловга оид 1-1102-2402/310-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

**Исмоилов Нуриддин Махсатқулович** (Ismoilov Nuriddin Maxsatqulovich) 1984 йил 11 сентябрь куни Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ҳарбий хизматга мажбур, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2017 йил 30 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

**2.** Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2024 йил 8 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони умуман ўтамаган;

вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Товоқсой кўрғони, У.Юсупов кўчаси, 10-уй, 6-хонадонда истиқомат қилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 9 сентябрь куни олган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2024 йил 25 июлдан қамоқда сақланаётган.

Суд, судланувчини кўрсатмаларини тинглаб, жабрланувчи-фуаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини ўқиб эшиттириб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва

судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Исмоилов ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, вояга етмаган Ш.Файзуллаев, Ш.Нортожиева, У.Пўлатов, Д.Пўлатов (*ЖИБ Бўстонлиқ туман суди томонидан судланган*)ларни жиноят содир этишга жалб қилиб, ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2024 йил январь ойининг охирида Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Думалоқ м.ф.й., Олчабоғ кўчасидаги 66-уйига девордан ошиб ўтиш йўли орқали ғайриқонуний равишда кириб, уйнинг асосий яшаш хонадони деразасини куч ишлатиб синдириб, ичкарига кириб, асосий яшаш хонадонида турган Ф.Тўлагановга тегишли 1.000.000 сўмлик 1 дона “JVC” русумли магнитофон, 1.000.000 сўмлик 1 жуфт “25AC309” русумли овоз кучайтиргич, 7.000.000 сўмлик қалинлиги 14 мм.ли жами 14 дона металл труба ва 7 дона металл тиргакларни, шунингдек уйнинг омборхона эшиги қулф-калитини куч ишлатиб бузиб, омборхонада бўлган 2.500.000 сўмлик жами 220 килограмм металл буюмларни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинганлар.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Н.Исмоилов** унга эълон қилинган айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2021 йилнинг ёз ойларидан Бўстонлиқ тумани Думалоқ м.ф.й., “Узум” БУШдаги дала ҳовлиларда қоровул бўлиб ишлаганлигини, шу ерда яшовчи У.Пулатов ва Д.Пулатов ҳамда уларнинг 3-4 нафар шериклари билан шу ердаги дала ҳовлилардан нарсалар ўғирлаб юришларини билганлигини, 2023 йил декабрь ойининг охирида ўз ишлари билан Д.Пулатов ва У.Пулатов яшайдиган уйи томонга борганлигини, шунда У.Пулатов ва Д.Пулатовлар ўзларининг уйининг қарама-қарши томонидан жойлашган кейинчалик унга маълум бўлган Ф.Тўлагановнинг дала ҳовлисида юришганини кўрганлигини, шунда у ҳам ушбу дала ҳовли томонга ўтганида, у ерда У.Пулатов, Д.Пулатов ва Ш.Файзуллаевлар дала ҳовлидаги яшил рангли омборхонанинг остини ковлаб, унинг ичидан бир нечта темирларни олиб чиқиб кетишаётганини кўрганлигини, ушбу дала ҳовли У.Пулатов ва Д.Пулатовларга тегишли эмаслигини билганлиги сабабли уларга нима сабабдан бошқа шахснинг дала ҳовлисига кундуз куни кириб, нарса ўғирлаётганини, кимдир кўриб қолиши мумкинлигини айтганида, улар дала ҳовли эгаси келмаслигини, улар фақат ёз ойларидан келишини айтишганлигини, шу билан у ўз йўлида давом этганлигини, орадан тахминан 1 ҳафта ўтганидан сўнг дарё бўйида турган вақтида Д.Пулатов уни олдига келиб, унга яшил рангли омборхона жойлашган дала ҳовлининг ойнасидан ичкарига кирганини, унинг ичида 4-5 метр узунликдаги темир қувурларни, калонкалар ҳам борлигини айтганлигини, у ушбу темир қувурларни “Москвич” русумли

автомашинага Д.Пулатов, У.Пулатов, Ш.Нортожиев ва Ш.Файзуллаевлар юклар олиб кетишаётганини кўрганлигини, орадан яна тахминан 1 ҳафта ўтгандан сўнг Д.Пулатов олдига келиб, улар ўғрилиқ қилишган дала ҳовлида ҳеч нарса қолмаганини аммо, яшил рангли омборхонанинг ичида катта катта темирлар, дарвозалар борлигини, омборхона эшиги қулфлигини, уни бузиб нарсаларни олиб кетиш кераклигини айтиб, унга омборхонани эшигини бузиб беришини сўраганлигини. у аввалига бузиб бермаслигини айтганлигини, лекин орадан тахминан 3-4 кун ўтгандан сўнг кечаси дала ҳовлиларни айланиб юрган вақтида Д.Пулатов, У.Пулатов, Ш.Нортожиева ва Ш.Файзуллаевлар ўғирликка кириб юрадиган дала ҳовлига қараганида, ҳақиқатан ростдан ҳам ойналари синган, панжаралари бузилган ҳолатда бўлганлигини, шунда у дала ҳовлига девор ошиш йўли билан кирганлигини ва яшил рангли омборхонанинг олдига бориб, эшикдаги 2 дона эски қулфларини шу ерда ётган темир бўлаги (монтировка) орқали бузганлигини, шундан сўнг дала ҳовлининг деразасидан ичкарига қараганида, жавон устида калонка турганини кўрганлигини, шундан сўнг ўзининг дала ҳовлисига кетганлигини, эртаси куни Д.Пулатовни кўрганида, дала ҳовлидаги омборхонани эшигини бузиб қўйганини айтганлигини, шу куни тушликдан сўнг дала ҳовлига қайтиб кетаётганида, Д.Пулатов, У.Пулатов, Ш.Нортожиева ва Ш.Файзуллаевлар кўк рангли “Москвич” русумли автомашинага у қулфини бузиб берган омборхонада бўлган темирларни юклар олиб кетишаётганини кўрганлигини, орадан тахминан 1 соат ўтганидан сўнг Д.Пулатов ва У.Пулатовлар уни олдига келиб, омборхонадаги темирларни ўғирлашганлигини, яна унинг ичида дарвоза ҳам борлигини, аммо кўтара олишмаганини айтиб, кетишганлигини, шундан сўнг у ҳам дала ҳовлини эгасига топшириб, Тошкент туманига ишлаш мақсадида кетганлигини,

Судланувчи Н.Исмоиловнинг айби, жиноят тафсилотларини батафсил ёритиб берган жабрланувчи – фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ тасдиқланган, жумладан:

Жабрланувчи – фуқаровий даъвогар **Ф.Тўлаганов** дастлабки терговда, ҳақиқатан ҳам уни Бўстонлиқ тумани. Думалоқ м.ф.й., Олча боғ кўчасида жойлашган дала ҳовлиси борлигини, Д.Пулатов билан У.Пулатовлар қўшни бўлиб яшашларини, дала ҳовлига асосан ёз ойида келиб туришларини, 2024 йил баҳор ойида турмуш ўртоғи билан дала ҳовлидан хабар олгани келганларида ҳовлида турган оёқлари темирдан ишланган, икки одам зўрға кўтарадиган темир стол ва темир тапчан йўқлигини, уй ичига кириш дераза панжаралари олиб ташланганини, ойна синганини кўришганлигини, уй ичига кирганида йўлакда турган узум учун мўлжалланган темир ферма, жавон устида турган 1 дона диски магнитофон ва 2 дона катта колонкалар, омборда темир кроват, темир эшик, ҳар хил темир бўлаклари йўқлигини кўриб, 102 хизмаига қўнғироқ қилганлигини, уй ичида оёқ излари бўлганлигини, бир ордан сўнг ИИО ходимлари келиб, бармоқ изларини олишганлигини, у ИИБ

бошлиғи номига ариза ёзганлигини, ИИО ходимлари йўқолган нарсаларини баҳолаб ёзишини сўраганлари сабабли тахминий 14.200.000 сўм баҳолаб ёзганлигини, шундан сўнг ўғирликни Н.Исмоилов ёрдамида, вояга етмаган У.Пулатов, Д.Пулатов, Ш.Нортожиева ва Ш.Файзуллаевлар содир қилишганини билганлигини, у дала ҳовлига 15 йилдан бери эгалик қилиб келишини, синган деразаларини ўзи таъмирлатганини, ойнадан ҳам кирилган бир нечта оёқ излари бўлганлигини, лекин оёқ изларини ҳар хиллигига эътибор бермаганлигини, тергов даврида Ш.Нортожиева ва Ш.Файзуллаевларни ота-оналари моддий зарарни қоплаб беришганлигини айтиб кўрсатма берган.

Судланувчи ва тарафларнинг розилиги билан суд мажлисига келмаган гувоҳ **Д.Пулатов** ва **У.Пулатов**ларнинг дастлабки терговда берган кўрсатмаси ўқиб эшиттирилди ва бунга эътирозлар бўлмади.

Суд, судланувчи Н.Исмоиловнинг содир этган жиноятдаги айблари, ариза, тушунтириш хатлари, билдирги, воқеа жойини кўздан кечириш баённомалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, ва жиноят ишида тўпланган ҳолисона ҳамда бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатдан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши, суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши, суднинг ҳукмда ифодаланган барча ҳулосалари асосланган бўлиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Суд, судланувчи Н.Исмоиловнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг

- “вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми;

- “ўғирлик, яъни такроран ёки хавfli рецидивист томонидан бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бирикитриб, уй-жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Н.Исмоилов вояга етмаган Ш.Файзуллаев,

Ш.Нортожиева, У.Пўлатов, Д.Пўлатов (*ЖИБ Бўстонлиқ туман суди томонидан судланган*)ларни жиноят содир этишга жалб қилиб, ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2024 йил январь ойининг охирларида Ф.Тўлагановга тегишли 1.000.000 сўмлик 1 дона “JVC” русумли магнитофон, 1.000.000 сўмлик 1 жуфт “25AC309” русумли овоз кучайтиргич, 7.000.000 сўмлик қалинлиги 14 мм.ли жами 14 дона металл труба ва 7 дона металл тиргакларни, шунингдек уйнинг омборхона эшиги қулф-калитини куч ишлатиб бузиб, омборхонада бўлган 2.500.000 сўмлик жами 220 килограмм металл буюмларни яширин равишда талон-тарож қилганликларини кўриш мумкин.

Бундай ҳолатларда, суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи Н.Исмоилов жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми “б” банди билан квалификация қилиниши лозим бўлса-да, дастлабки тергов органи томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми билан айб эълон қилинганлиги, суд томонидан айбловнинг оғирроғи билан алмаштирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланганлиги, суд тергови жараёнида тарафлар томонидан жиноят иши юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416-моддаси тартибда қўшимча процессуал ҳаракатлар ўтказиш учун юбориш ҳақида илтимосномалар келтирилмаганлиги сабабли, мазкур ҳолат юзасидан алоҳида тартибда муносабат билдириб, судланувчи Н.Исмоиловга эълон қилинган айблов доирасида айбли деб топишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб

чиқиб, судланувчи Н.Исмоиловга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадини, айб шакли ва даражасини, муқаддам судланганлигини инобатга олиш билан бирга, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабабларини ва бунга олиб келган шарт-шароитини, уни шахсини, оилавий аҳволини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътироф этиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имкониятлари мавжуд эмас деган қатъий фикрга келиб, у айбли деб топилаётган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 53-бандида “Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, жиноятлар мажмуи учун ЖК 59-моддаси 8-қисми бўйича жазо тайинланганда, узил-кесил жазо, қоида тариқасида, Жиноят кодексининг Умумий қисмида белгиланган тартиб ва миқдорда тайинланиб, биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан эмас, балки унинг тўлиқ миқдоридан келиб чиқиш шартлигига эътибор қаратилсин” деб тушунтириш берилган.

Шунга кўра, суд, судланувчи Н.Исмоилов жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2024 йил 8 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида жазо тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, жабрланувчи Ф.Тўлагановга етказилган моддий зарар Ш.Нортожиева ва Ш.Файзуллаевларни ота-оналари томонидан қопланганини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” деб белгиланганлиги сабабли суд, судланувчи Н.Исмоиловга ҳукм устидан юқори турувчи судга апелляция тартибида шикоят қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 471, 473-моддаларига асосан, суд

**Ҳ У К М      Қ И Л А Д И:**

Судланувчи **Исмоилов Нуриддин Махсатқулович** (Ismoilov Nuriddin Maxsatqulovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми ва 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан Н.Исмоиловга узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2024 йил 8 апрелдаги ҳукми билан тайинланган жазони ўталган жазони қисман қўшиш йўли билан Н.Исмоиловга ўташ учун узил-кесил ўташ учун 5 (беш) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати 2024 йил 25 июлдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Н.Исмоиловга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жабрланувчи **Ф.Тўлагановга** етказилган моддий зарар **Ш.Нортожиева** ва **Ш.Файзуллаевларни** ота-оналари томонидан қопланганлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхалари топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши, ЖПКнинг 498-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари, агар улар апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Ж.Хожаев**